

КИНО—ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Тилепов Қуатбай Нұксбаевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

2 курс магистранти

Kolya_2292@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада кино санъатининг томошибинлар оммасига таъсир қилишининг янгича усуллари ҳақида сўз юритилади. Бу усуллар қорақалпоқ, ўзбек ва жаҳон киноижодкорлари томонидан тасвирга олинган кино маҳсулотлари кенг таҳлил этилди ва кўрсатиб берилди.

Калим сўзлар: кино, усуллар, характер, ҳусусият, лавҳа.

ABSTRACT

This article discusses new ways in which cinema can influence the audience. These methods have been widely analyzed and demonstrated by Karakalpak, Uzbek and world filmmakers.

Keywords: movie, methods, character, feature, clip.

Инсоният қадим-қадимдан санъатга, ижодга ўзига ҳос иштиёқ билан қораган. Одамзот аввалдан ёриқ кунга ишониш ва бу ишонишни тарбияловчи ва мустаҳкамловчи восита бўлган санъатга асрлар давомида яшаш учун курашишда ҳам фақат олга интилишга асос бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Жаҳон миқиёсида ҳар қил идея ва идеологиялар кураши, одамлар айниқса ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун ҳар хил кўчлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий саънат бўлган кинонинг бекиёс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак»!¹

Давлатимиз рахбарининг кино соҳасига боғлиқ қабул қилган фармон ва қарорлари миллий кино саънатимизнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, идеологик бадиий савиясини орттириш йўлидаги аҳамиятли воқеа бўлди.

¹ Халқ сўзи.2017 йил 29 декабрь №47-сон

Бу кўрсатилган эътибор фақат ўзбек киноси, балки қорақалпоқ киноси учун ҳам аҳамиятли воқеа бўлиб, унинг янада ривожи учун яна бир асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кино ўзининг оммавий ва томошавинлиги билан кенг тарқалган санъант тури. Ҳозирги кунда пойтахтда, туман марказларида ҳам давлат ва нодавлат киностудиялар ташкиллаштирилган.

Қорақалпоғистон кинохужжатчилар ҳар доим миллий ва янада кенгроқ томошабинлар оммасига таъсир қилишининг янгича усуулларини кашф қилаётганликлари ва изланишда эканликлари барчамизга маълум. Бу янгича методларни қўллашда англанадиган узлуксиз ва табиий ижодий жараёндир. Киноплакат образлилик шакллари ичида асосий ўрин эгаллади.

«Кино» сўзлиги муаллифлари ҳужжатшунослар фаолиятида кинолавҳаларнинг мухимлигини атаб ўтадилар. Вьетнам ва Кубалик кинохужжатчилар мисолида улар панораммаликнинг яна бир хусусияти – етказилаётган образнинг лавҳалилигига (плакатлилигина) диққат қаратади.

Улар ўткир публицистик франзуц калонизаторлари ва америкалик агрессияга қарши қураш йилларидағи мураккаб шароитларда тасвирга олинган. Вьетнам ҳужжатли фильмлариға хос Жаҳон ҳужжатли киносида кубалик режиссёр С.Альвари ижоди алоҳида аҳамиятга эга. («Ханой, Сешамба 13», 1967, «Генерал қайтарзда ва не учун ўлдирилди?», 1970 ва ҳ), унинг фильмларида ижтимоий-сиёсий тақминнинг теранлиги ўткир плакатли, кескин зиддиятли монтаж ритми билан боғланади».¹

Биз плакатлилик, яъни бирор нарсани (кема, саксовул, қумлар, бош кийим, ояқ кийим, қора уй ва ҳ.) баъзан бир неча бор яқиндан тасвирланиши умумий видео тасвирнинг асосий хусусиятидир. Бу айниқса, овозли-расмли, матнли ва аналитик сафга киритилган, аниқроғи, махсус ҳужжатли кино учун, характерли. Плакатлилик, назарга ташланувчанлик, ёрқинлик, бадийлик билан баробар. У релефли ўзига хосликка эга, кўргазмалилиги, хусусияти билан кўзга ташланади.

Бу характер «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан ишлаб чиқилган кўпчилик фильмларда учрашади. Масалан, «Фидойилар», «Муйноқ дўстлик ўлкаси» фильmlарида яққол кўзга ташланади.

Қорақалпоғистонда ҳозирги вақтда кино соҳаси бўйича «Қорақалпоқфильм» киностудияси давлат унитар кархонаси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«Қорақалпоқфильм» киностудиясининг асосий вазифаси кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, бадиий-хужжатли, илмий-публицистик,

¹ Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129

мультиликацион кинофильмлар ишлаб чиқариш, киновидеофильмларни ўзбек, рус тилларига дубляж этишдан иборат.

Миллий ҳужжатли фильмларнинг кинообразлилиги ҳақидаги фикрларимизни қўйидагича хулосаламоқчимиз. Қорақалпоғистондаги ҳужжатли фильмлар соғ ахборот устиворлигини бажармайди-бу газета-журналларнинг, интернет ва телевидениенинг вазифаси. Замонавий медиа воситаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, айнан улар республикада, юртимизда ҳамда жаҳонда юз берадиган янгиликлар, воқеа-ходислар тўғрисида материалларни биринчи, тезкор равишда ва қисқа лўнда шаклда етказиб бериш лозим. Шунингдек, бу ОАВ маълумотларининг ижодий ва техник хусусиятларига кўра буни кенг томошабин аудиториясига мос ҳолда қулай форматда намойиш қилиш имкониятига эга.

Сўнги даврда миллий бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг тематикаси ҳилма-ҳиллиги анча ривожланиб мазмун моҳияти, савияси яхшиланди.

Натижада ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ миллий фильмларга талаб ва таклиф ортиб, унга қўйиладиган маъсулият ҳам юқорилаб бормоқда. Қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан ишлаб чиқилган «Қурғон» ўзбек киноижодкорлари билан ҳамкорликда тасвирга олинган «Тенгиз» бадиий фильмларида замон қаҳрамонларининг қиёфаси ошиб берилиб, бу орқали ёшларимизга намуна бўладиган қаҳрамон характери яратилади.

«Тенгиз» бадиий фильми асосан, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳрида истиқомат қилувчи Манзура Ерниёзова ва унинг жасоратига бағишлиланади. Фильмда бадиий тўқималар мавжуд. Лекин фильм сюжетига бу аёлнинг тушкунликка тушмай тикувчиликни ўрганиб, тадбиркорга айлангани, ёшларга ибрат бўлаётгани, ирода ва матонати асос қилиб олинган. Бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг оёқ-қўлидан ажralган Тенгиз исмли келиннинг бир зумда тўқис кўринган бахтидан айрилиши ҳақидаги воқеа билан бошланса, фильмда келгуси сахналар анча кўтаринки тус олади. Тўғри, у севган ёридан, бахтидан воз кечади, лекин ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнати туфайли яна ҳаётга қайтади.

Фильмда айнан Қорақалпоқ этник калорити, фақат уларгагина хос анъаналар қўпроқ очиб берилармикан деган ўйга борасанг. Ўтов ва кўк қўйлак билан боғлиқ кадрларни инобатга олмаса, бу масалада ҳам янгилик йўқ. Оролнинг бугунги ҳолати, кемалар қабристонидан ташқари экологик муаммолар қуршовида қолган одамлар ҳаётини Тенгизнинг тақдирига ҳамоҳанг тарзда очиб берилган.

Фильмда энг зўр топилма кадр - Тенгизнинг уйи олдига осилган эълон бўлди: "Қайиқ сотилади!" Орол муаммосини шу иккитагина сўз борича, рўйи рост ифодалаган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қанақа бадиий ва хужжатли фильмлар томошабинга визуал оламга тасвирланаётган воқеа ҳодисани намойиш феноменига чуқурроқ кириб бориши билан таъсир қиласи. Натижада кино ОАВ ларидан ўзига ҳослиги билан ажralиб турадиган санъат тури ва кучли тарбия воситаси ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2021, 464б.
2. Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129.
3. Хайдеггер М. Время картины мира (1938, 1950) // Хайдеггер М. Исток художественного творения. Избранные работы разных лет. М.: Академический проект, 2008. – С. 274.
4. Тешабоев Ж. «Ўзбек киноси: изланишлар ва ишончлар» (1984);
5. Абулкосимова X, Тешабоев Ж, Мирзамухамедова М. «Ўзбекистон киноси» (1985);